

МИКОЗЛАРНИ ДАВОЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БОЗОРИНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ

З.Б.Арифджанова, Д.Т. Саипова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Мавзунинг долзарблиги: бугунги кунда кенг спектрга эга антибиотикларнинг, глюкокортикоид ва иммуносупрессив дори воситаларининг асоссиз қўлланилиши, узоқ вақт давомида интенсив терапия бўлимларида даволаниш, ҳамда экологиянинг ёмонлашуви аҳоли ўртасида замбуруғли касалликларининг ўсиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли микоз касалликларининг самарали терапияси маҳаллий соғлиқни сақлаш тизими учун муҳим муаммо сифатида белгиланиб, антимикотик дори воситалари бозорини маркетинг таҳлили асосида замбуруғ касалликлари билан касалланган беморларнинг дори таъминоти муаммоларини ҳал этиш ўз ечимини кутаяпти. долзарб муаммодир.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланиладиган микозларга қарши дори воситалари ассортиментининг маркетинг таҳлили асосида уларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш тадқиқот учун танланган мавзу мақсадини ташкил этади.

Усуллар: изланишда маркетинг тадқиқотларининг контент таҳлил, ижтимоий-аналитик, мантқий усулларидан фойдаланилди.

Натижалар: ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ва тиббиёт амалиётида микозларни даволашда қўлланиладиган антимикотик дори воситалари ассортименти 106 позициядан иборатлиги, ҳамда ассортиментнинг 90,6% хорижий ва 9,4% республикамизда ишлаб чиқариладиган дори воситаларига тўғри келиши аниқланди. Ассортиментнинг контент таҳлили асосида препаратларнинг истеъмол даражаси ўрганилди, маҳаллий ишлаб чиқариладиган антимикотик дори воситалари ассортиментини такомиллаштириш йўналишлари белгиланди. Ўзбекистон Республикасида қўллаш учун рухсат этилган антимикотик дори воситаларига бўлган талабнинг шаклланишини ўрганиш бўйича изланиш олиб борилди. Тизимли таъсир этувчи антимикотик дори воситалари ичидан нистатин, флунол, дифлукан, фунгикейр каби препаратларга бўлган талаб юқори даражага эга эканлиги аниқланди. Антимикотик дори воситаларининг рақобатбардошлигини таҳлил қилиш мақсадида экспертлар сифатида танлаб олинган дерматологлар ўртасида препаратларнинг

истеъмол кўрсаткичлари эксперт баҳолаш анкеталари асосида баҳоланди.

Хулоса: дори воситалари ҳақидаги ахборот таъминотининг кенг қамровлиги ва истеъмолчига қанчалик тушунарли қилиб етказиб берилганлиги дори воситаларини бозорда юқори талаб даражасида сотилиши ва рақобатбардошлигини белгиловчи муҳим омиллардан бирилиги аниқланди. Шу сабабли маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ушбу омилга алоҳида аҳамият беришлари маҳаллий антимикотик препаратларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди.